



Қ А Р О Р И

2020 йил “30” декабр № \_\_\_\_\_

№ 20/1

Самарқанд вилояти Жомбой туманининг 2021 йилги маҳаллий  
бюджетини тасдиқлаш тўғрисида

Ўзбекистон Республикасининг “2021 йил учун Ўзбекистон Республикасининг Давлат бюджети тўғрисида”ги Қонунига ҳамда Самарқанд вилояти Халқ депутатлари Кенгашининг “Самарқанд вилояти 2021 йилги маҳаллий бюджетини тасдиқлаш тўғрисида”ги қарорига мувофиқ, 2021 йил учун Жомбой тумани бюджетини қабул қилиш бўйича Халқ депутатлари Жомбой тумани Кенгаши

ҚАРОР ҚИЛАДИ:

1. Самарқанд вилояти Халқ депутатлари Кенгашининг “Самарқанд вилояти 2021 йилги маҳаллий бюджетини тасдиқлаш тўғрисида”ги қарорига асосан Жомбой тумани бюджетига Самарқанд вилояти бюджетидан ажратилган:

тартибга солувчи бюджетлараро трансферт 42 638 945,0 минг сўм миқдорида тасдиқланганлиги. Бунда, тартибга солувчи бюджетлараро трансфертлар миқдорини туман маҳаллий бюджети даромадлари прогнозининг ижросидан қатъий назар камайтиришга йўл қўйилмаслиги Ўзбекистон Республикасининг “2021 йил учун Ўзбекистон Республикасининг Давлат бюджети тўғрисида”ги Қонунида белгилаб қўйилганлиги маълумот учун қабул қилинсин;

туман бюджетининг айланма касса маблағи 1 087 818,0 минг сўм миқдорда белгиланганлиги маълумот учун қабул қилинсин.

2. Халқ депутатлари Самарқанд вилоят Кенгаши қарорига асосан 2021 йилда:

а) Қуйидаги солиқ турлари туман бюджетига тўлиқлигича ўтказиб берилади:

- жисмоний шахслардан олинадиган мол-мулк солиғи;
- жисмоний шахслардан олинадиган ер солиғи;

- жисмоний шахсларнинг мол-мулкани ижарага беришидан олинадиган йиллик даромадлари бўйича декларацияга асосан ҳамда якка тартибдаги тадбиркорлар томонидан тўланадиган даромад солиғи;

- сув ресурсларидан фойдаланганлик учун солиқ, бундан электр станциялари томонидан тўланадиган солиқ мустасно;

- қурилиш материаллари бўйича ер қаъридан фойдаланганлик учун солиқ, бундан цемент хом ашёси ва цемент ишлаб чиқаришда фойдаланиладиган оҳактош мустасно;

- айланмадан солиқ;

- қонун ҳужжатларида белгиланган миқдорларда давлат активларини ижарага бериш ва хусусийлаштиришдан тушадиган даромадлар.

б) Қуйидаги солиқ турлари ва бошқа тўловлар вилоятнинг вилоят бюджети ҳамда туман маҳаллий бюджети ўртасида тақсимланади:

- жисмоний шахслардан олинадиган даромад солиғидан тушумларнинг (жисмоний шахсларнинг мол-мулкани ижарага беришдан оладиган йиллик даромадлари бўйича декларацияга асосан тўланадиган ҳамда якка тартибдаги тадбиркорлар томонидан тўланадиган даромад солиғидан ташқари) 30 фоиз миқдорда туман бюджетига;

- фойда солиғидан тушумларнинг (Ўзбекистон Республикаси Президенти қарори билан тасдиқланадиган рўйхатига мувофиқ йирик солиқ тўловчилар, Ўзбекистон Республикасида доимий фаолият олиб борувчи муассаса орқали фаолият юритувчи Ўзбекистон Республикаси норезидентлари томонидан, шунингдек норезидентларнинг тўлов манбаида ушлаб қолинадиган даромадларидан тўланадиган фойда солиғидан ташқари) 40 фоиз миқдорда туман бюджетига.

- якуний истеъмолчиларга бензин, дизель ёқилғиси ва газ реализация қилишдаги акциз солиғи 40 фоиз миқдорда туман бюджетига;

- юридик шахслардан олинадиган ер солиғи 40 фоиз миқдорда туман бюджетига;

- юридик шахслардан олинадиган мол-мулк солиғи 50 фоиз миқдорда туман бюджетига;

- Йиғимлар 50 фоиз миқдорда туман бюджетига;

Мобиль алоқа хизмати ва алкоголь маҳсулотлари, шу жумладан пиво учун акциз солиғидан тушумлар тегишли равишда 2020 йил 1 июль ҳолатига кўра туман аҳолисининг вилоят аҳолисидаги улушига мувофиқ ўтказиб берилиши маълумот учун қабул қилинсин.

3. 2021 йил учун туман бюджети даромадлар прогноз кўрсаткичлари 1-иловага мувофиқ тасдиқлансин.

4. Туман бюджетидан 2021 йилги ҳудудий бюджет маблағларини тақсимловчиларга ажратиладиган харажатларнинг умумий чекланган миқдорлари 2-иловага мувофиқ тасдиқлансин.

5. 2021 йил учун маҳалла фуқаролар йиғинлари кесимида, уларнинг иқтисодий ривожланишига қараб қишлоқ хўжалигига мўлжалланмаган ерлар учун жисмоний шахслар ҳамда юридик шахслар учун ер солиғи ставкасига чегаравий камайтирувчи ва оширувчи коэффициентлар 3-4-иловаларга мувофиқ тасдиқлансин.

6. 2021 йил учун туман бюджети захира жамғармаси ҳажми 1 081 649,0 минг сўм миқдоридан белгилансин.

7. Туман ҳокимлиги:

-ҳар чорак якуни билан кейинги чорак биринчи ойнинг 25-санасига қадар расмий веб-сайтларга ўз тасарруфидаги бюджет ташкилотлари кесимида молиявий ҳисоботларни ҳамда бошқа тегишли маълумотларни жойлаштирсин;

-бюджет даромадлари ва харажатларининг кўрсаткичларини бажарилишини таъминлаш, солиқ базасини кенгайтириш ҳамда иқтисодий салоҳиятини ошириш юзасидан зарур чора-тадбирлар кўриш, бюджет маблағларидан мақсадли ва самарали фойдаланиши устидан қатъий назоратни ўрнатиши учун туман Кенгашига доимий равишда маълумот киритиб борсин.

Ўзбекистон Республикасининг “2021 йил учун Ўзбекистон Республикасининг Давлат бюджети тўғрисида”ги Қонунида белгиланган айрим солиқлар ва тўлов ставкалари, солиқ солиш тартиблари ҳамда бошқа маълумотларни оммавий ахборот воситаларида ёритилишини таъминласин.

8. Мазкур қарор бажарилишини назорат қилиш халқ депутатлари туман Кенгашининг Маҳаллий бюджетни шакллантириш ва ижро этиш, иқтисодий ислохотларни амалга ошириш ва тадбиркорликни ривожлантириш масалалари доимий комиссияси ва туман ҳокимлиги зиммасига юклатилсин.

Кенгаш раиси






**Самарқанд вилоятининг Жомбой тумани маҳаллий бюджетининг даромадларининг 2021 йилдаги асосий прогноз кўрсаткичлари**

минг сумда

| №           | Даромад тури   | 2021 йил бюджет    |
|-------------|--|--------------------|
|             | <b>Жами даромадлар</b>   | <b>66,607,626</b>  |
| <b>I.</b>   | <b>Рағбатлантирувчи (Стимулирующие) даромад</b>                                  | <b>19,293,218</b>  |
|             | Жисмоний шахслардан олинадиган даромад солиғи                                    | 40,385,990         |
|             | ажратма меёри  | 30                 |
| 1.          | маҳаллий бюджетга  | 12,115,797         |
|             | Юридик шахслардан олинадиган фойда солиғи  | 17,943,553         |
|             | ажратма меёри  | 40                 |
| 2.          | маҳаллий бюджетга  | 7,177,421          |
| <b>II.</b>  | <b>Бириктирилган даромадлар</b>  | <b>33,060,868</b>  |
|             | <b>Туман ва шаҳарларга бириктирилган</b>   | <b>19,137,268</b>  |
| 1           | Ягона солиқ тўлови   | 5,656,586          |
| 2           | Жисмоний шахслардан олинадиган даромад солиғи (ИТД)                              | 1,398,247          |
| 3           | Жисмоний шахслардан олинадиган ер солиғи   | 5,932,746          |
| 4           | Ер ости бойликларидан фойдаланганлик учун солиқ норуда                           | 487,405            |
| 5           | Жисмоний шахсларнинг мол-мулкига солинадиган солиқ                               | 5,649,646          |
| 6           | Ижара тўловлари  | 12,638             |
|             | <b>Вилоят ва туман (шаҳар)лар бюджетлари ўртасида тақсимланадиган даромадлар</b> | <b>13,923,600</b>  |
| 1           | Бензин, дизел ёқилғиси ва газ реализациясидан солиқ (АЗС)                        | 12,538,680         |
|             | ажратма меёри  | 40                 |
|             | маҳаллий бюджетга  | 5,015,472          |
| 2           | Юридик шахсларнинг мол-мулкига солинадиган солиқ                                 | 6,633,498          |
|             | ажратма меёри  | 50                 |
|             | маҳаллий бюджетга  | 3,316,749          |
| 3           | Юридик шахслар ер солиғи   | 10,760,122         |
|             | ажратма меёри  | 40                 |
|             | маҳаллий бюджетга  | 4,304,049          |
| 4           | Сув ресурсларидан фойдаланганлик учун солиқ                                      | 945,426            |
|             | ажратма меёри  | 100                |
|             | маҳаллий бюджетга  | 945,426            |
| 5           | Йиғимлар   | 683,807            |
|             | ажратма меёри  | 50                 |
|             | маҳаллий бюджетга  | 341,904            |
| <b>III.</b> | <b>Тақсимланувчи даромадлар (формула бўйича)</b>                                 | <b>14,253,540</b>  |
|             | <i>Аҳоли сони (минг киши)</i>  | <i>174</i>         |
| 15.         | Алкоголга акциз солиғи (шу жумладан пиво)  | 9,255,520          |
| 16.         | Мобил алоқага акциз солиғи   | 4,998,020          |
|             | <b>ЖАМИ ХАРАЖАТЛАР</b>   | <b>109,246,571</b> |
|             | <b>ТРАНСФЕРТЛАР</b>  | <b>42,638,945</b>  |

Ижрочи: Туман ҳокимининг биринчи ўринбосарининг бош мутахасиси Д.Саматов 

Туман ҳокимлиги молия бўлими мудирини М.Исмоилов 

Туман давлат солиқ инспекцияси бошлиғини Ш.Азаматов \_\_\_\_\_

2021 йил учун Самарқанд вилоят Жомбой туманининг туман  
маҳаллий бюджет тақсимловчиларига ажратиладиган  
харажатларнинг умумий чекланган миқдорлари

минг.сўмда

| №   | Соҳалар номи  | 2021 йил      |
|---|---|---------------|
| Жомбой туман бўйича харажатлари миқдори, Жами |   | 109,246,571.0 |
| 1   | Туман Мактабгача таълим бўлими  | 7,380,810.0   |
| 2   | Туман халқ таълими бўлими   | 10,049,813.0  |
| 3   | Туман Тиббиёт бирлашмаси  | 42,399,772.0  |
| 4   | Туман Маданият бўлими   | 1,081,438.0   |
| 5   | Туман Жисмоний тарбия ва спорт бўлими   | 2,153,315.0   |
| 6   | Болали оилаларга ва кам таъминланган оилаларга<br>нафақалар ва компенсациялар | 27,824,070.0  |
| 7   | Туман фермер, дехқон хўжаликлари ва томорқа ер<br>эгалари кенгаши             | 1,096,661.0   |
| 8   | Туман ободонлаштириш бошқармаси   | 5,666,729.0   |
| 9   | Туман ирригация бўлими  | 788,454.0     |
| 10  | Туман ветеринария ва чорвачиликни<br>ривожлантириш бўлими                     | 927,800.0     |
| 9   | Давлат бошқарув органларини сақлаш  | 5,197,130.0   |
| 12  | Фуқаролар ўзини-ўзи бошқариш органларини<br>сақлаш                            | 3,598,930.0   |
| 13  | Захира жамғармаси   | 1,081,649.0   |

Ижрочи: Туман ҳокимининг биринчи ўринбосарининг

бош мутахасиси Д.Саматов



Туман ҳокимлиги молия

бўлими мудирини М.Исмоилов



Халқ депутатлари  
Самарқанд вилояти  
Жомбой туман Кенгашининг  
2020 йил «    »      даги  
-сонли қарорига  
3-илова

2021 йил Жомбой тумани хуудларининг иқтисодий ривожланишига қараб вишлоқ хўжалигига мўлжалланмаган ерлар учун Юридик шахслар томонидан ер солигини ҳисоблашга доир камайтирувчи ва оширувчи коэффицентларни қўллаш

| Т/Р | МФЙ номи      | Юридик шахслар учун   |   |
|-----|---------------|---|---|
|     |               | Базавий солиқ ставкага нисбатан камайтирувчи ва оширувчи коэффицент (0,7 дан 3,0 гача)лар | Ер солиғи ставкаси (1 га учун минг сўмда) |
| 1   | Полвонарик    | 0.7   | 13860.0                                   |
| 2   | Ногахон       | 0.7   | 13860.0                                   |
| 3   | Қўлбости      | 0.7   | 13860.0                                   |
| 4   | Шерқўрғон     | 0.7   | 13860.0                                   |
| 5   | Сарикипчок    | 0.7   | 13860.0                                   |
| 6   | Қўнғирот      | 0.7   | 13860.0                                   |
| 7   | Туққизбой     | 0.7   | 13860.0                                   |
| 8   | Хитойпоён     | 0.7   | 13860.0                                   |
| 9   | Талдираззок   | 0.7   | 13860.0                                   |
| 10  | Кудукли       | 0.7   | 13860.0                                   |
| 11  | Кукгумбаз     | 0.8   | 15840.0                                   |
| 12  | Олмазор       | 0.8   | 15840.0                                   |
| 13  | Найман        | 0.8   | 15840.0                                   |
| 14  | Ғазира        | 0.9   | 17820.0                                   |
| 15  | Қўрғонсаломон | 0.9   | 17820.0                                   |
| 16  | Нуш           | 0.9   | 17820.0                                   |
| 17  | Наймантепа    | 0.9   | 17820.0                                   |
| 18  | Сарой         | 0.9   | 17820.0                                   |
| 19  | Қангли        | 0.9   | 17820.0                                   |
| 20  | Қорамўйин     | 0.9   | 17820.0                                   |
| 21  | Тут           | 1.0   | 19800.0                                   |
| 22  | Журият        | 1.0   | 19800.0                                   |
| 23  | Эски Жомбой   | 1.0   | 19800.0                                   |
| 24  | Бешбола       | 1.0   | 19800.0                                   |
| 25  | Катта қишлоқ  | 1.1   | 21780.0                                   |
| 26  | Саричашма     | 1.1   | 21780.0                                   |
| 27  | Дехқонобод    | 1.1   | 21780.0                                   |
| 28  | Ширинкент     | 1.1   | 21780.0                                   |
| 29  | Сўхмон        | 1.1   | 21780.0                                   |
| 30  | А.Навоий      | 1.2   | 23760.0                                   |
| 31  | А.Қурбонов    | 1.2   | 23760.0                                   |
| 32  | Шодлик        | 1.2   | 23760.0                                   |
| 33  | Тошкент       | 1.2   | 23760.0                                   |
| 34  | Гулистон      | 1.2   | 23760.0                                   |
| 35  | Назар         | 1.2   | 23760.0                                   |
| 36  | Зарафшон      | 1.2   | 23760.0                                   |
| 37  | Холвойи       | 1.2   | 23760.0                                   |
| 38  | Самарқанд     | 1.2   | 23760.0                                   |

**Изоҳ:** Самарқанд вилояти бўйича юридик шахслар учун қишлоқ хўжалигига мўлжалланмаган ерлар бўйича 1 гектарга базавий солиқ ставкаси 33 млн.сўм белгиланган. Халқ депутатлари Самарқанд вилоят кенгаши қарорига асосан Жомбой туманига базавий солиқ ставкасига нисбатан 0.60 коэффицент белгиланган.  $(33000,0 \times 0,60 = 19800)$  яъни 2021 йил учун Жомбой туманида базавий солиқ ставкаси 19800,0 минг сўмни ташкил қилади.

Ижрочи: Туман ҳокимининг биринчи ўринбосарининг бош мутахасиси Д.Саматов 

Туман ҳокимлиги молия бўлими муdiri М.Исмоилов 

Туман давлат солиқ инспекцияси бошлиғи Ш.Азаматов \_\_\_\_\_


Халқ депутатлари  
Самарқанд вилояти  
Жомбой туман Кенгашининг  
2020 йил «    »      даги  
-сонли қарорига  
4-илова

2021 йил Жомбой тумани ҳудудларининг иктисодий ривожланишига қараб Жисмоний шахслар бўйича ер солигини ҳисоблашга доир камайтирувчи ва оширувчи коэффицентларни (деҳқон хўжалигини юритиш учун берилган қишлоқ хўжалиги учун мўлжалланган ерлардан ташқари) қўллаш

| Т/Р | МФЙ номи      | Жисмоний шахслар учун   |  |
|-----|---------------|---|--|
|     |               | Базавий солиқ ставкага нисбатан камайтирувчи ва оширувчи коэффицент (0,7 дан 3,0 гача)лар | Ер солиғи ставкаси (1 кв.м учун сўмда) |
| 1   | Полвонариқ    | 0.7   | 124.99                                 |
| 2   | Сариқипчоқ    | 0.7   | 124.99                                 |
| 3   | Шерқўрғон     | 0.7   | 124.99                                 |
| 4   | Қўлбости      | 0.7   | 124.99                                 |
| 5   | Кўнғирот      | 0.7   | 124.99                                 |
| 6   | Ногахон       | 0.7   | 124.99                                 |
| 7   | Тўққизбой     | 0.7   | 124.99                                 |
| 8   | Хитойпоён     | 0.7   | 124.99                                 |
| 9   | Ғазира        | 0.7   | 124.99                                 |
| 10  | Талдираззоқ   | 0.7   | 124.99                                 |
| 11  | Кукгумбаз     | 0.7   | 124.99                                 |
| 12  | Қўрғонсаломон | 0.7   | 124.99                                 |
| 13  | Найман        | 0.7   | 124.99                                 |
| 14  | Олмазор       | 0.7   | 124.99                                 |
| 15  | Кудукли       | 0.7   | 124.99                                 |
| 16  | Наймантепа    | 0.7   | 124.99                                 |
| 17  | Корамўйин     | 0.7   | 124.99                                 |
| 18  | Сарой         | 0.8   | 142.85                                 |
| 19  | Нўш           | 0.8   | 142.85                                 |
| 20  | Журият        | 0.8   | 142.85                                 |
| 21  | Бешбола       | 0.8   | 142.85                                 |
| 22  | Туг           | 0.9   | 160.70                                 |
| 23  | Қангли        | 0.9   | 160.70                                 |
| 24  | Эски Жомбой   | 0.9   | 160.70                                 |
| 25  | Ширинкент     | 0.9   | 160.70                                 |
| 26  | Саричашма     | 1   | 178.56                                 |
| 27  | Дехқонобод    | 1   | 178.56                                 |
| 28  | Сўхмон        | 1   | 178.56                                 |
| 29  | Қатта қишлоқ  | 1.1   | 196.42                                 |
| 30  | Холвойи       | 1.1   | 196.42                                 |
| 31  | Назар         | 1.1   | 196.42                                 |
| 32  | А.Қурбонов    | 1.1   | 196.42                                 |
| 33  | А.Навой       | 1.1   | 196.42                                 |
| 34  | Самарқанд     | 1.1   | 196.42                                 |
| 35  | Гулистон      | 1.1   | 196.42                                 |
| 36  | Зарафшон      | 1.1   | 196.42                                 |
| 37  | Тошкент       | 1.1   | 196.42                                 |
| 38  | Шодлик        | 1.1   | 196.42                                 |

Изоҳ: Самарқанд вилояти бўйича Жисмоний шахслар учун 1 кв/м ер майдонига базавий солиқ ставкаси 297,60 сўм белгиланган. Халқ депутатлари Самарқанд вилоят кенгаши қарорига асосан Жомбой туманига базавий солиқ ставкасига нисбатан 0,60 коэффицент белгиланган. ( $297,6 \times 0,60 = 178,56$ ) яъни 2021 йил учун Жомбой туманида базавий солиқ ставкаси 178,56 сўмни ташкил қилади.

Ижрочи: Туман ҳокимининг биринчи ўринбосарининг бош мутахасиси Д.Саматов 

Туман ҳокимлиги молия бўлими мудирини М.Исмоилов 

Туман давлат солиқ инспекцияси бошлиғини Ш.Азаматов \_\_\_\_\_